

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ АЗИМЖОН НОРМУМИНОВИЧ

**ПАСТ НАВЛИ ПАХТА ЧИГИТЛАРИДАН ЕНГИЛ
РАФИНАЦИЯЛАНАДИГАН ФОРПРЕСС МОЙИНИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Ахмедов Азимжон Нормўминович

Паст навли пахта чигитларидан енгил
рафинацияланадиган форпресс мойини
ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш..... 3

Ахмедов Азимжон Нормуминович

Совершенствование технологии получения
легкоррафинируемого форпрессового масла
из низкосортных семян хлопчатника..... 29

Akhmedov Azimjon Normuminovich

Improving the technology for producing
easily refined press oil from low-grade
cotton seeds 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ АЗИМЖОН НОРМУМИНОВИЧ

**ПАСТ НАВЛИ ПАХТА ЧИГИТЛАРИДАН ЕНГИЛ
РАФИНАЦИЯЛАНАДИГАН ФОРПРЕСС МОЙИНИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2020

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мазмунси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қониди Олий ағтестация комиссияси В2020.2.DSc/T84 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент қимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий Кенгаш веб-сайти (ik-kinyo.uz) ҳамда «ZiyoNet» аборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Абдурахмонов Саидқабар Абдурахмонович техника фанлари доктори, профессор
Расмий ошпонентлар:	Исабаев Исмаил Бабаджанович техника фанлари доктори, профессор Қурбонов Жаъид Махидович техника фанлари доктори, профессор Миррахмонова Дилбар Тохтамураतोшна техника фанлари доктори, доцент
Етакчи таъкилот:	Фаргона политехника институти

Диссертация қимовиси Тошкент қимё-технология институти хузурида DSc 03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий Кенгашнинг « 19 » 11 2020 йил соат « 10⁰⁰ » даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел: (+99871) 244-79-20, факс: (+99871) 244-79-17, e-mail: ik_info@eda.uz). Тошкент қимё-технология институти Мазмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент қимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида таъкилти мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2020 йил « ____ » _____ кунин тарқатилди
(2020 йил « ____ » _____ даги № ____ рақамли реестр баътномаси)



S.M. Turabjonov
С.М. Туробжонов
Илмий таъкилот берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

X.N. Qolirov
Х.Н. Қолиров
Илмий таъкилот берувчи илмий кенгаш
хотиби, т.ф.д. (DSc), доцент

K.O. Dolzaev
К.О. Додиев
Илмий таъкилот берувчи илмий
кенгаш қониди илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда ўсимлик мойи ишлаб чиқаришда юқори даражадаги ўсиш кузатилмоқда ва ёғ-мой саноати озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Экологик ва иқлим шароитларининг ўзгариши туфайли паст навли ва ностандарт пахта чигитларининг улуши ортиб бормоқда. Озуқа маҳсулоти сифатида қайта ишлашга йўналтирилган пахта мойи миқдори камайиб, форпресс мойларининг сифати ва озиқавий қимматини ошириш озиқ-овқат саноати учун долзарб бўлиб қолмоқда.

Дунёда паст навли пахта чигитидан оқартирилган, тозаланган форпресс мойлари ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, тўқ рангли форпресс мойларини модификацияланган тупроқли адсорбентларда дастлабки оқартириш усулини тадқиқ қилиш, нейтралланган форпресс мойларини адсорбцион рафинациялаш учун полифункционал оқартирувчи композициялар яратиш, форпресс жараёнида олинадиган кунжара гранулалари сифатини, чорва моллари учун минерал элементларга бой шрот ишлаб чиқиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Республика миқёсида маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва улар асосида импорт ўрнини босувчи янги турдаги реагентларни олиш натижасида, ёғ-мой саноатининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашда салмоқли натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг учинчи йўналишида «маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида янги маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини янги даражага кўтариш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада жумладан паст навли пахта чигитларидан олинадиган оқартирилган пахта мойи ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236 сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПП-3983 сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265 сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион қизиқарлилигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» номли ПФ-4947-сон фармони.

нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Паст навли ва ностандарт пахта чигитидан оқартирилган, рафинацияланган форпресс мойи олиш, қайта ишлаш технологияларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cornell University, Iowa State University, Georgia State University (АҚШ), Palm Oil Research Intitute (Малайзия), Jiangnan University, Henan University of Technology, Wuhan Polytechnic University, South China University of Technology (Хитой), Department of Chemical Engineering, University of Lagos (Нигерия), Рига техник университети (Латвия), Словакия техник университети (Словакия), Aarhus University (Дания), Славян техник университети (Чехия), Умумроссия ёғлар илмий-тадқиқот институти, Кубан Давлат технология университети, Москва Давлат озиқ-овқат ишлаб чиқариш университети (Россия), Тошкент кимё-технология институти, Бухоро муҳандислик-технологиялар институти ва Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунёда паст навли пахта чигитидан олинган оқартирилган, рафинацияланган форпресс мойларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологиясини такомиллаштиришга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: оксидланиш, парчаланиш ва полимеризация жараёнларининг жадаллигини пасайтиришга имкон берадиган мой сақловчи маҳсулотлар (янчилма, мятка ва қовурма)ни қайта ишлаш учун «юмшоқ» технологик шароитлар ишлаб чиқилган (Краснодар политехника институти, Россия); тўқ рангли ёғларни оқартириш учун турли хил адсорбентларни юқори самарали композициялари яратилган (Бутунроссия ёғлар илмий-тадқиқот институти, Россия), табиий каолинларни 500°С да термик фаоллантириб, кейин сульфат кислота иштирокида қайта ишлаб, ўсимлик мойлари кислота сони ва рангини яхшилаш технологияси яратилган (Department of Earth Sciences Wesleyan University, АҚШ); бентонитни ацетат натрийнинг 10 мг/л концентрацияли эритмасида модификациялаб, ўсимлик мойлари таркибидан хлорофилл, фосфолипидларни тозалаш аниқланган (Department of Chemical Engineering, University of Lagos, Нигерия).

Дунёда гил минералларини турли хил усулларда фаоллантириш ва модификациялаш, ҳамда тўқ рангли мойларни тозалаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: гил хом ашёсини модификация қилиш усулларини ишлаб чиқиш (кислотали, ишқорли, МКФ); кўпкомпонентли мойларни тозалашга турли хил таркибли композициялар яратиш; фаоллаштирилган бентонит ва кўмир олишда

² Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.nist.gov>, www.ukgu.kz/ru, <http://www.cmaindia.org/>, www.heidelbergcement.com/en, <https://cembureau.eu>, <https://www.muctr.ru>, www.ultratech.com/, <https://www.susu.ru/ru>, <https://www.vdzonline.de>, www.whitehopleman.com/, <https://www.dalmiabharat.com>, www.cnbmengineering.cm/, www.gambarcotta.it, www.bwfgroup.de/, www.sanghicement.com/, www.aslancimento.com.tr/ ва бошқалар бўйича ишлаб чиқилган.

адсорбция жараёнларини такомиллаштириш.

Мавзуни ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник ва патент адабиётларида паст навли, ностандарт пахта чигитидан оқартирилган рафинацияланган форпресс мойларини олиш ва қайта ишлаш усуллари ўрганиш бўйича S.A.Hussain, R. Jamal, M. Tariq, M.M. Iqbal, F. Chigondo, B.C. Nyamunda, V. Vhebe, K. Yildiz, A.Г. Сергеев, Н.С. Арутюнян, В.В. Белобородов, Н.Л. Меламуд, А.А. Абдурахимов, А.И. Глушенкова, С.А. Абдурахимов, А.А. Шмидт, К.Х. Мажидов, И.Б. Исабаев, Г.У. Тиллаева, К.П. Серкаев ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Илмий адабиётларда кўплаб мақолалар мавжудлигига қарамасдан паст навли, ностандарт пахта чигитидан оқартирилган рафинацияланган форпресс мойлари олиш ва қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш учун илмий тадқиқотлар етарли эмаслиги аниқланган.

Маҳаллий тупроқли минералларнинг таркиби ва хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, чет элдан импорт қилинувчи мойлар билан рақобатлаша оладиган ўсимлик мойларини оқартириш ва тозалаш учун юқори фаол ва селектив адсорбентлар олиш йўналишига эътиборни ошириш зарур. Шу билан бирга паст навли ва ностандарт пахта чигитидан оқартирилган рафинацияланган форпресс мойларини сифати ва озикавий хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратиш лозим.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасидаги илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-7.12 «Саноатда ишлаб чиқарилган ўсимлик мойларини рафинациялашни такомиллаштириш» (2012-2014 йй.), «Паст сифатли пахта чигитидан олинган мой кўрсаткичлари ва рафинацияланишини аниқлаш бўйича илмий-амалий ёрдам кўрсатиш» (2013 йил 10 сентябрь №09/13) ва «Техник мақсадларда қўлланилувчи ўсимлик мойларни рафинациялаш технологиясини илмий асосларини ишлаб чиқиш» (2013 йил 25 апрел № Я1/2013) мавзуларида амалий лойиҳалар ва хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади паст навли пахта чигитидан дастлабки оқартирилган форпресс мойларини олиш ва рафинациялаш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

паст навли пахта чигитидан олинган мағиз, янчилма, мятка ва қовурма структура ҳамда форпресс мойлари физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш;

«форпресс-экстракциялаш» линиясида паст навли пахта чигитидан форпресс мойлари олиш қонуниятлари ва технологик параметрларини аниқлаш;

паст навли пахта чигитидан олинган тўқ рангли форпресс мойларини модификацияланган тупроқли адсорбентларда дастлабки оқартириш усулини тадқиқ қилиш;

нейтралланган форпресс мойларини адсорбцион рафинациялаш учун полифункционал оқартирувчи композициялар яратиш;

паст навли пахта чигитидан олинган форпресс мойларини икки

босқичли рафинациялаш жараёнини ишлаб чиқиш;

карбамид билан модификацияланган тупроқли адсорбентларда олинадиган кунжара гранулалари сифатини, чорва моллари учун шрот таркибини тадқиқ қилиш;

паст навли пахта чигитидан дастлабки оқартирилган форпресс мойларини олиш ва рафинациялашнинг такомиллаштирилган технологияларини яратиш.

Тадқиқотнинг объектлари паст навли пахта чигитлари ва улар асосида олинган ярим маҳсулотлар (янчилма, мятка, қовурма), шунингдек танланган ва ишлаб чиқилган адсорбентлар ёрдамида оқартирилган ва рафинацияланган форпресс мойларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети паст навли пахта чигитидан олинган ва оқартирилган форпресс мойларини олиш жараёнлари ва қайта ишлаш қонуниятларини ўрганиш ҳисобланади, шунингдек, маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқилган тупроқли адсорбентларни қўллашнинг самарадорлигини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда замонавий кимёвий, физик-кимёвий, спектрал усуллари, булардан ташқари физик-механик, технологик ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлашда стандартлаштирилган синов услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

паст навли пахта чигитидан олинган мағиз, янчилма, мятка ва қовурмадаги госсипол железкаси йўқолиши, кичик сферосомалар таркибида триглицеридлар билан сақланиши исботланган;

I - II ҳамда III - IV навли пахта чигити аралашмаларидан олинган мағизни янчишда, бир неча экспоненталардан иборат мураккаб эгри чизиқли ўзгариб турувчи 40 - 450 мкм ўлчамдаги заррачалар ҳосил бўлиши ва чақилманинг мураккаб таркиби пахта чигити мағзининг кўп компонентлилиги билан асосланган;

пахта чигити мағзининг намлиги ошиши билан глобула парчаланиши ва мой ажралиши экспоненциал қонунга биноан камайиши, ажралишининг юқори даражаси 1,1 мм, паст даражаси эса 0,7 мм қалинликдаги янчилмалар ошиши аниқланган;

III - IV навли пахта чигитидан пресслаб олинадиган тўқ рангли мойларни дастлабки оқартириш учун карбамид билан модификацияланган маҳаллий тупроқли адсорбентлар ёрдамида мойнинг рангини доимий 35 сариқ, 17 қизил ва 1,7 кўк бирликларга камайтириши аниқланган;

карбамидли модификацияланган адсорбент қўлланганда кунжара гранулалари мойлилиги меъёрларга мослиги, шрот таркибида чорва моллари учун зарур минераллар триацилглицеридлар, А ва Е провитамиинлар (каротиноидлар, токоферол) сақланиб қолиши аниқланган;

паст навли пахта чигитидан дастлабки оқартирилган форпресс мойларини олиш ва рафинациялашнинг такомиллаштирилган технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

паст навли пахта чигитидан енгил рафинацияланувчи форпресс мойларини олиш технологиясини такомиллаштириш ва тизимли тадқиқ қилиш услубияти ишлаб чиқилган;

паст навли пахта чигитидан енгил рафинацияланадиган мой олиш ва каустик сода, натрий силикат ва микротўлқинли нурланиш таъсирида ишқор билан икки босқичли рафинациялаш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилда замонавий физик-кимёвий тадқиқот услублари ва паст навли пахта чигитларидан рафинацияланган пресс мойларини олиш технологияларини саноатга жорий қилиниши ва ишлаб чиқарилиш билан асослангандир.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, паст навли пахта чигитидан олинган рафинацияланган пресс мойининг миқдори ва сифатини ошириш учун уларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва пресслаш, рафинацияланган мойни оқартириш учун 50%-ли нитрилотриметилфосфон кислотасининг сувли эритмасини ($C_3H_{12}NO_9P_3$) қўллаш, шунингдек ишқорий рафинациялаш жараёнларининг илмий асосини яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти паст навли пахта чигитидан олинган пресс мойини дастлабки оқартириш учун карбамид билан модификацияланган тупроқли адсорбентларни ишлаб чиқариш, каустик сода, натрий силикат ва микротўлқинли нурланиш таъсирида ишқорий рафинациялашнинг икки босқичли технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Паст навли пахта чигитидан енгил рафинацияланган форпресс мойини олиш ва рафинациялаш технологияларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

паст навли пахта чигитидан рафинацияланмаган пресс мойи ва юқори мойли кунжара олиш технологияси «Косон ёғ-экстракция» АЖда амалиётга жорий этилган («Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг 2020 йил 9 мартдаги ОЗ/3-345-сонли маълумотномаси). Натижада «форпресс-экстракция» усули билан паст навли пахта чигитидан юқори мойли кунжара олиш, экстракция мойининг чиқиш миқдорини 1,20-1,25 мартага ошириш имконини берган;

паст навли пахта чигитидан олинган тўқ рангли пресс мойларини карбамид билан модификацияланган адсорбентлардан фойдаланиб, дастлабки оқартириш технологияси «Косон ёғ-экстракция» АЖда жорий қилинган («Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг 2020 йил 9 мартдаги ОЗ/3-345-сонли маълумотномаси). Натижада, модификацияланган тупроқли адсорбентлар ёрдамида паст навли пахта чигитидан олинган рафинацияланмаган хом мойнинг рангини доимий 35 сариқ, 17 қизил ва 1,7 кўк бирликларга камайтириш билан дастлабки оқартириш имконини берган.

биринчи босқичда сувли каустик сода ва иккинчи босқичда натрий силикат ёрдамида паст навли пахта чигитидан олинган тўқ рангли прессланган мойни икки босқичли ишқорий рафинациялаш технологияси «Қарши ёғ-экстракция» АЖда жорий қилинган («Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг 2020 йил 9 мартдаги ОЗ/3-345-сонли маълумотномаси).

Натижада паст навли пахта чигитидан рафинацияланган пахта мойи ишлаб чиқаришни анъанавийга нисбатан (85,1%) 1,1 мартта (90%) ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижалари муҳокамаси. Ушбу тадқиқот натижалари 12 халқаро ва 22 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини нашр қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 47 та илмий ишлар, шу жумладан 1 та монография, 12 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда, 7 та мақола республика ва 5 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, хулоса, қўлланилган адабиёт рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 192 босма матнда баён қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Паст навли ва ностандарт пахта чигитларини қайта ишлаш технологияларининг ҳозирги ҳолати**» деб номланиб, пахта чигитлари, ундан олинадиган прессланган ва рафинацияланган мойнинг асосий физик-кимёвий ва технологик хусусиятлари ҳамда уларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологиялари тавсифланган. Бундан ташқари, олинган мойнинг сифатини яхшилаш ва унинг микдорини ошириш бўйича материаллар, шунингдек уларни тегишли стандартлар талабларига мувофиқ таҳлил қилиш бўйича маълумотлар келтирилган. Юқоридаги барча материаллар нормал (I - II) ва паст навли (III - IV) чигитларга бўлиниш нуктаи назаридан кўриб чиқилган. Ушбу бўлиниш пахта чигити навларининг хусусиятларини ва улардан олинадиган мойнинг сифат ва микдорий кўрсаткичларига таъсирини аниқлашга имкон берди. Адабиётларни ўрганиш натижасида ушбу диссертация тадқиқотининг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Экспериментни ташкил этиш, кунжара, форпресс мойларини қайта ишлашдан олдин ва кейин таҳлил қилиш усуллари**» деб номланиб, хомашё, кунжара ва анъанавий ҳамда паст навли пахта чигитларидан мойни рафинация қилишдан олдин ва кейин таҳлил қилиш усуллари келтирилган. Бундан ташқари, тажриба ишлари учун лаборатория қурилмаси тавсифи ва паст навли пахта чигитидан олинган хом

пресс мойини рафинациялаш усуллари, анъанавий ва паст навли пахта чигитларини пресслаш усулида олинган пахта мойининг бошланғич физик-кимёвий ва ҳамроҳ моддалар (фосфолипидлар, госсипол, хлорофил ва б.) кўрсаткичлари ёритилган. Анъанавий ва паст навли пахта чигитидан олинган мағиз, янчилма, мятка ва қовурма (мезга) тузилиши кўрсатилган. Ушбу боб ўлчовларни баҳолаш услуби ва маълум математик услублардан фойдаланган ҳолда тажриба маълумотларини қайта ишлаш билан яқунланади.

Ҳозирги вақтда мяткани 90°C гача бўлган ҳароратда «юмшоқ» шароитда намлаб-термик ишлов бериш технологиясини истиқболли деб ҳисоблаш мумкин, чунки бу усулда госсиполнинг максимал миқдори олинадиган мойга ўтади. Албатта, госсипол ва унинг ҳосилаларини ҳам мой таркибидан ажратиб олиш, қаттиқ кунжара ёки шрот структурасидан ажратишдан осонроқ.

1-расмда юқори (а) ва паст навли (б) пахта чигитларидан олинган қовурма сиртларининг микрорасмлари кўрсатилган.



1-расм. Юқори (а) ва паст навли (б) пахта чигитларидан олинган қовурма юзасининг электрон микрорасмлари


1-расм шуни кўрсатадики, юқори навли пахта чигитидан олинган қовурмани (а) «юмшоқ» шароитда намлаб-иссиқлик билан ишлов беришдан сўнг, госсипол железкаси триглицеридлар билан аралашиб кетади ва уларнинг бир қисми сферосомаларда сақланиб қолади. Паст навли пахта чигитидан олинадиган қовурмада (б) бошқа ҳолат кузатилади, бунда госсипол железкаси қисман йўқ қилинади ва кичик сферосомалар таркибида триглицеридлари билан сақланиб қолади. Бу уларни пресслаш ва зеер колосникларида ўлчам танлашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Бундан, қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин. Паст навли пахта чигитининг юқори нав билан солиштирганда ўзига хос хусусиятлари (тукдорлик, зарарланганлик, нуқсонлари ва бошқ.) мағизни янчиш ва мяткани намлаб-термик ишлов бериш жараёнларига салбий таъсир қилади, бу эса уларнинг технологик параметрларини такомиллаштиришни талаб қилади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Анъанавий ва паст навли пахта чигити қовурмасидан пресслаб мой олишга технологик параметрларнинг таъсирини ўрганиш**» деб номланиб, паст навли пахта чигитларини сақлаш шароитининг физик-кимёвий кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш, пахта чигитидан чақилма (рушанка) олиш ва мағиз

(ядро)ни янчиш жараёнлари тадқиқ қилиш, турли хил пахта чигити навларидан олинган пахта чигити янчилмасининг шелухадорлиги ва қайтарилувчи товар(фуза) миқдорининг намлаб-иссиқлик билан ишлов бериш, қовурмани преслаш жараёнларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Мойли уруғларни сақлаш учун «Руководство по технологии получения и переработки растительных масел и жиров»нинг талаблари асосида паст навли (III ва IV навлар аралашмаси) чигитлардаги мойнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини ўзгаришининг асосий қонуниятларини ўрганилди. Сақлаш ёғ-мой корхонасининг очиқ майдонида яъни, омборларида амалга оширилди ва ҳар ой I ва II нав пахта чигитларга нисбатан назорат қилинди. Пахта чигити таркибидаги мойнинг кислота сонининг таҳлил натижалари 2-расмда келтирилган.



2-расм. I-II нав (1-чизик) ва III-IV нав (2-чизик) пахта чигити таркибидаги мойнинг кислота сонини ўзгаришининг уларни сақлаш муддатига боғлиқлиги


2-расмдан кўринадикки, сақлаш муддатининг кўпайиши билан паст навли пахта чигити (III-IV навлар)да эркин ёғ кислоталарининг экспоненциал қонуният асосида ортиши кузатилди. I ва II навли пахта чигитида кислота сони нисбатан кам ўзгарди, бунинг сабаби уларнинг етилганлиги ва биокимёвий жараёнларнинг тугалланганлиги ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Паст навли мойларидаги салмоқли ўзгаришлар эркин шаклдан боғланган шаклга ўтувчи госсипол ва хлорофиллда яъни уларнинг ҳосилаларида вужудга келади.

Турли навдаги чигитни узоқ сақлаш жараёнида эркин госсипол миқдорининг ўзгаришлари ўрганилди.

3-расмда чигитни узоқ сақлаш жараёнида эркин госсипол миқдорининг ўзгариши кўрсатилган.

3-расмдан паст навли (III-IV навлар) чигитни сақлашда эркин госсипол миқдори 2,2 дан 0,8 %гача камайиши, оддий (I-II навлар)да эса 1,8 дан 1,4% гача камайиши кўрилади. Бу госсиполнинг янги турдаги ҳосила (госсипротейнлар, госсифосфатидлар, госсисахаридлар ва шу каби)ларнинг




3-расм. I-II нав (1-чизик) ва III-IV нав (2-чизик) пахта чигити мойнинг таркибидаги эркин госсипол миқдорини ўзгаришининг уларни сақлаш муддатига боғлиқлиги

ҳосил бўлиши билан боғлиқ.

Ушбу бўшлиқни тўлдириш учун биз I ва II нав ҳамда III ва IV нав пахта чигити янчилган мағиз заррачасининг ўлчамлари ўрганилди. Бунда седиментометрик таҳлилни кўллаб, Фигуров тарозисини ишлатиб, шай деформацияси ҳисоблаш микроскопи ёрдамида аниқланди.

4-расмда пахта янчилмасидаги маълум ўлчамдаги зарраларни (R) ўзгариши келтирилган.




4-расм. Маълум ўлчамли зарралар миқдорини ўзгаришига I ва II нав (1-чизиқ) ва III ва IV нав пахта чигитларидан (2-чизиқ) олинган янчилма зарраларининг аниқланган эквивалент ўлчамларини таъсири

4-расмда дастлаб янчилмада 25% йирик зарралар бўлиб, кейинчалик уларнинг миқдори 3-5%-гача камайиши, ундан сўнг эса яна 20-25% кўпайиши кўринмоқда. Бунда ўлчами 400 мкм-дан юқори бўлган зарралар кескин камайиб 5-8%-га тушган. Чигит янчилмасини бундай нотекис янчилишини I-II ва III-IV чигит навлари аралашмасидан олинган ядронинг турли таркибли эканлиги билан изоҳлаш мумкин.


Биз I-II ва III-IV чигит навлари аралашмасидан олинган мағизнинг мойдорлигини олинадиган янчилманинг солиштирма юзасига таъсирини ўргандик.

5-расмда ушбу изланиш натижалари кўрсатилган.



5-расм. Янчилманинг солиштирма юзасини ўзгаришига пахта чигити аралашмасидан олинган мағиз мойдорлигини таъсири: 1-чизиқ I ва II навлар учун, 2-чизиқ III ва IV навлар учун


5-расмдан ядро мойдорлиги 10 дан 40%гача ортиши билан янчилманинг солиштирма юзаси ҳар пахта чигитининг иккала аралашмаси учун чизикли қонуният асосида камайиши кўринмоқда. Чигит ядросининг амалдаги 30-40%ли мойдорлиги учун олинган янчилманинг солиштирма юзаси I-II навли чигит учун $1,3-1,7 \text{ м}^2/\text{г}$, III-IV навлар учун эса $0,6-1,0 \text{ м}^2/\text{г}$ ни ташкил этади. 6-расмда, уруғ навларининг улардан янчилма олиш жараёнига таъсирини ўрганиш натижалари кўрсатилган.



6-расм. Янчилманинг янчилиш даражасини (J) мағизнинг намлигига (W) ва пахта чигити навига қараб ўзгариши

1-I ва II навлар аралашмасини қайта ишлаш жараёнидаги эгри чизик (50: 50%); 2-III ва IV навли пахта чигити аралашмасини қайта ишлашдаги эгри чизик (50: 50%).

6-расм шуни кўрсатадики, мағиз намлиги (W) ортиши билан янчилмаларнинг (J) янчилиш даражаси ортади. Бундан ташқари, III ва IV навли уруғларнинг аралашмасидан олинган янчилмалари I ва II навларнинг уруғлари аралашмасидан олинган янчилмаларга қараганда чидамлилиги пастроқ. Эҳтимол, бу пахта чигитидаги мойнинг юқори миқдори ва I ва II навларининг кам ифлосланганлиги, шунингдек нуқсонли уруғлар улушининг камлиги (3% дан кўп эмас) билан боғлиқ.



7-расм. Янчилманинг янчилиш даражасини (J) пахта чигити мағизининг мойдорлигига (M) ва олинадиган янчилманинг қалинлигига (τ) қараб ўзгариши

1-эгри чизик $\tau = 1,1 \text{ мм}$; 2-эгри чизик $\tau = 0,7 \text{ мм}$

Пахта чигитининг мой таркиби амалдаги стандарт билан тартибга солинмаган бўлса ҳам, амалда I ва II уруғларининг мойлиги III ва IV навли чигитларга нисбатан 10-20% юқори эканлиги аниқланди. Шуни ҳисобга олиб, биз мағиз мойдорлигини олинган янчилмаларни янчиш даражаси (J) га боғлиқлигини ўрганиб чиқдик.


7-расмда ушбу кўрсаткичнинг ўзгариши олинган янчилманинг (τ) қалинлигига боғлиқлиги кўрсатилган. 7-расмдан кўришиб турибдики, пахта чигитининг мағзининг мойдорлиги (M) умумий массанинг 10 дан 40% гача кўпайиши билан олинган янчилманинг янчиш даражаси (J) экспоненциал равишда пасайди ва кейинчалик биринчисининг кўрсаткичига боғлиқ бўлмайди. Бу ҳолда, янчилмаларни янчиш даражаси (J) 1,1 мм қалинликдаги янчилма олишда ва аксинча энг каттаси - қалинлиги 0,7 мм бўлган янчилма олишда кузатилади.

Кўришиб турибдики, пахта чигити мағзини янчишда олинадиган янчилманинг майдаланиш даражаси, яъни бардошлилигига унинг мойдорлиги аниқ даражада боғлиқ.

Пахта чигити мойдорлиги учглицеридлар тарқалган глобула ва сферосомаларнинг бузилиш даражасига ҳам боғлиқ.

Турли қалинликка эга янчилма олишда, ушбу боғлиқлик биз томондан ўрганилди.

8-расмда пахта чигити мағзидаги мой глобулалари ва сферосомаларнинг парчаланиш даражасига унинг мойдорлигини таъсири кўрсатилган.



8-расм. Пахта чигитининг мағзи (M) ва олинган янчилма қалинлигига (τ) боғлиқ ҳолда мойли глобулалар ва сферосомаларнинг парчаланиш даражасининг ўзгариши (R)

1-эгри чизик $\tau=0,7$ мм.да; 2-эгри чизик $\tau=0,9$ мм.да ва 3-эгри чизик $\tau=1,1$ мм.да

8-расмдан кўришиб турибдики, пахта чигитининг мағзидаги (M) мойдорлиги кўпайиб бориши билан мойли глобулалар ва сферосомаларнинг бузилиш даражаси (R) экспоненциал қонунга кўра пасаяди. Шу билан бирга, қалинлиги 1,1 мм бўлган янчилма олишда энг кўп ва аксинча қалинлиги 0,7 мм бўлган янчилма олишда глобулалар ва сферосомаларнинг энг кам бузилиши кузатилади.

1-жадвалда турли хил навли пахта чигитларидан олинган қовурма кўрсаткичларининг ўзгариши кўрсатилган.

1-жадвалдан паст навли пахта чигитидан олинган қовурманинг нисбатан юқори намлик, ишлов бериш ҳарорати, шелухадорлиги ва қайтариладиган маҳсулот таркибига эга эканлигини кўриш мумкин, бу эса уни углеводород эритгич билан экстракциялаш зарурлигини тасдиқлайди. Аксинча, пахта чигитининг I-II навлари қовурмасини преслаш учун тайёрланади ва уни кейинчалик экстракциялаш мумкин.


1-жадвал

Пахта чигитининг турли хил навларидан олинган қовурма кўрсаткичидаги ўзгаришлар

Кўрсаткичларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Пахта қовурмаси кўрсаткичлари	
		I-II нав	III-IV нав
Намлик	%	6,9	8,0
1 ва 2 қозонлардаги ҳарорат	°C	97	102
Шелуха миқдори	%	14,7	16,5
Мойдорлиги	%	37,6	33,8
Ғоваклилиги	см ³ /г	0,115	0,95
Қайтариладиган маҳсулот миқдори (фуза)	%	4,8	6,9

Маълумки, қовурмани преслаш жараёнини пресс грануляторининг колосник масофаларини ўзгартириш орқали бошқарилиши мумкин. Бунинг учун биз ушбу параметрларнинг пахта чигитининг турли навларидан олинган кунжара гранулаларининг мой миқдорига таъсирини ўрганиб чиқдик.

9-расмда турли навли пахта чигитларидан олинадиган гранулаларнинг мойдорлигининг ўзгаришини унинг диаметрига боғлиқлиги кўрсатилган.



9-расм. Пахта чигитининг турли навларидан олинган гранулаларнинг мойдорлигининг, уларни диаметрига қараб ўзгариши $h_1=0,75$ мм; $h_2=0,45$ мм; $h_3=0,35$ мм; $h_4=0,25$ мм.да

Шу тарзда, «форпресс-экстракция» схемаси бўйича паст навли пахта чигитини қайта ишлашда пресс мойини чиқиш миқдорини оширишга берилмаслик керак деган хулоса қилишимиз мумкин, бу экстракция учун йўналтириладиган кунжара структурасини ва ишқорий рафинациялаш учун - пресс мойини сезиларли даражада ёмонлаштириши мумкин.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Анъанавий ва паст навли пахта чигитидан олинган пресс мойининг қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш**» деб номланиб, паст навли пахта чигитидан олинган пресс мойининг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш, пресс мойларини рафинациялаш жараёни, сувли карбамид эритмаси билан модификацияланган тупроқли адсорбентларини олиш, пресс мойини дастлабки оқартириш, пресслаб олинган пахта мойини икки босқичли усулда - каустик сода ва натрий силикат ёрдамида комплекс рафинациялаш технологиясини ўрганишга бағишланган.

Ушбу бентонитларни карбамид билан модификациялаш 10-расмда кўрсатилган блок-схема бўйича олиб борилди.



10-расм. Карбамид эритмаси билан модификацияланган адсорбентни ишлаб чиқариш схемаси

Биз паст навли ва ностандарт пахта чигитининг аралашмасидан (50:50) олинган хом мойларни дастлабки оқартириш имкониятларини ўрганиб чиқдик.

2-жадвал


Паст навли ва ностандарт пахта чигити аралашмаларидан олинган хом мой, оқартиришдан олдин ва кейин карбамид билан модификацияланган тупроқли адсорбентлар ишлатилиб оқланган мой кўрсаткичлари

Мой массасига нисбатан КМТА микдори, %	70 сарик бирликда хом мой ранги		Кислота сони, мг КОН/г	Совунланмайдиган моддалар, %	Намлик ва учувчан моддалар, %
	Қизил бирлик	Кўк бирлик			
Паст навли (ШваIVнав) пахта чигитидан олинган хом мой					
Дастлабки	75-80	6-9,5	5,25-5,85	2,5-2,9	1,2-1,8
2,0	69-73	4,8-5,6	3,64-4,83	2,2-2,4	1,0-1,1
4,0	46-53	2,8-3,1	3,15-3,55	1,9-2,1	0,8-0,9
5,0	45-50	2,8-3,0	2,95-3,10	1,7-1,8	0,7-0,75
Паст навли ва ностандарт пахта чигити аралашмаларидан (50:50) олинган хом мой					
Дастлабки	84-88	8,0-10,5	6,51-8,43	2,7-3,0	1,4-1,9
2,0	79-83	6,0-7,5	5,43-6,25	2,4-2,6	1,2-1,3
4,0	60-64	4,3-5,8	4,31-5,05	2,1-2,3	1,0-1,1
6,0	55-59	3,7-4,3	3,92-4,27	1,8-2,0	0,8-0,9

Тадқиқотлар «Косон ёғ-экстракция» АЖ форпресс-цеҳининг амалдаги технологик регламентига мувофиқ олиб борилди. Таклиф этилаётган КМТА пресслардан сўнг (хом мойни фузатанкга узатишнинг бошланғич қисмида) амалга оширилди. КМТА ни мой билан аралаштириш уларни ташиш

жараёнида ҳаракатланувчи механизмлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Тажрибалар натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвалдан кўринадики, КМТАнинг киритилиши билан хом мойнинг ранги, унинг кислота сони, совунланмайдиган моддалар, намлик ва учувчан моддалар миқдори камаяди. Энг катта самарадорликка, хом мойнинг умумий массасининг 4 дан 6%гача бўлган миқдордаги КМТАдан фойдаланганда эришилади. Амалда, у паст навли ва ностандарт пахта чигити аралашмасидан олинган хом мойнинг умумий массасининг 4-5% билан чекланиши мумкин.



11-расм. Паст навли пахта чигитидан олинган хом (а) ва КМТАда дастлабки оқартирилган мойдаги (б) госсипол таркибини хроматограммаси

Юқори самарали суёқлик хроматографиядан (ЮССХ) фойдаланиб, паст навли ва ностандарт пахта чигитидан олинган хом ва КМТА билан дастлабки оқартирилган мойларнинг намуналари ўрганилди. Натижалар 11-расмда келтирилган.

11-расм мой массасига нисбатан 5% миқдорда олинган КМТА-4 ёрдамида паст навли пахта чигитидан олинадиган хом мой дастлабки оқартириш натижасида мойдаги госсипол миқдори 20-25% га камайгани, бу мойларни кейинги рафинациялаш ва оқартириш жараёнларига ижобий таъсир этишини кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, КМТА ёрдамида паст навли пахта чигитидан олинган хом мойларни дастлабки оқартириш усулида олинган мойларни кейинчалик тозалаш ва оқартириш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Пахта мойини бир босқичли тозалаш жараёнини икки босқичли жараёнга ўтказиш қимматбаҳо мойни йўқотилишини камайтиради, бундай ишлов беришдан кейин унинг миқдорини оширади, олинган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари стандарт талабларига жавоб беришини таъминлайди.

3-жадвалда пахта мойини рафинациялаш шартлари ва олинган маҳсулотларнинг кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

3-жадвалдан кўриниб турибдики, пахта мойини икки босқичли ишқорий рафинациялашдан сўнг мой чиқиши 3-4% ортди, натижада соапстокдаги мой миқдори ва унинг нархини сезиларли даражада камайтиради.

3-жадвал

Пахта мойини рафинациялаш шартлари ва кўрсаткичлари

Рафинация шартлари				Мой кўрсаткичлари			
Т/р.	Ишқор концентрацияси, г/л	Ортикча ишқор, %	T, °C	К.с. мг КОН/г	Ранги, 35 сар.да қиз.бир.	Совун ва ишқор, %	Чиқиши, %
Мойнинг бошланғич кўрсаткичлари:							
1	-	-	-	2,6	54,2	-	-
Пахта мойини бир босқичли ишқорий рафинациялаш							
2	250	250	40-50	0,3	12-14	0,01	85,1
Пахта мойини икки босқичли ишқорий рафинациялаш (биринчи босқич, NaOH)							
3	125	150	50-60	0,6-0,9	26-28	0,08-0,10	92,6
Пахта мойини икки босқичли ишқорий рафинациялаш (иккинчи босқич, Na ₂ SiO ₃)							
4	75	100	50-60	0,3-0,5	16-20	0,02-0,4	89-90

Лаборатория усулида пахта мойларини 60-70°C ҳароратда Навбахор конларидан олинган 2-6% фаоллаштирилган бентонит иштирокида оқартирилди. Фазали аралаштириш 150 *айл/мин* амалга оширилди (4-жадвал).

4-жадвал шуни кўрсатадики, оқартирувчи Навбахор конининг бентонитлари миқдори 2,0 дан 6,0% гача ошиши билан, мўлжалланаётган маҳсулот чиқиши 98,1% дан 93,4% гача пасаяди. 4,0% оқартирувчи тупроқнинг қўшилиши рафинацияланган пахта мойининг стандарт кўрсаткичларини таъминлайди ва шу сабабли маҳсулот чиқиши 96,7% ни ташкил этиб, уларни III-IV навли пахта чигитларини қайта ишлашда қўллаш мумкин.

4-жадвал

III-IV навли пахта чигитидан олинган форпресс мойларининг оқартириш кўрсаткичлари

Оқартирилган пахта мойи кўрсаткичлари	Бошланғич мой	Мой массасига нисбатан Навбахор конидан олинган бентонит миқдори, %		
		2,0	4,0	6,0
Ловибонд бўйича ранги, кюветада				
12,5 см қатламда, - қиз.б.	20,0	12,2	8,0	7,0
- кўк.б.	3,5	3,0	йўқ	йўқ
Кислота сони, мг КОН/г	0,45	0,37	0,26	0,24
Перекис сони, ммоль/кг	13,4	11,5	9,1	8,5
Намлик ва учувчан моддалар, %	0,3	0,25	0,20	0,18
Совун (сифатли намуна)	Мавжуд		Мавжуд эмас	
Чиқиши, %	-	98,1	96,7	93,4

Диссертациянинг бешинчи боби «Олинган кунжаранинг асосий кўрсаткичларига технологик параметрларнинг таъсирини ўрганиш» деб номланиб, унда пахта чигитининг III-IV навлари аралашмасидан олинган пресс кунжараси (чиғанок) ва гранулаланган кунжара кўрсаткичларининг хусусиятлари, КМТА нинг олинган гранулалар кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш кўрсатилган.

Пахта чигитининг I ва II навларининг ўрта толали навларида тукдорлиги 3 синфга бўлинади, бунда тукдорлик I навда 7,0-10,5% дан, II навда 8,0-10,5% дан ошмаслиги керак. Пахта чигитининг III ва IV навлари учун бир хил оралиқ белгиланади, бу ерда III нав 7,0 дан 11,0% гача ва IV нав 8,0 дан

13,0% гача ўзгариб туради.

Шуни ҳисобга олиб, биз турли хил навли чигитдан олинган пресс кунжарасининг кўрсаткичларига тукдорлик даражасининг таъсирини ўрганиб чиқдик, бунинг натижалари 5-жадвалда кўрсатилган.

5-жадвал

Турли навлардаги пахта чигитидан олинган прессланган кунжаранинг кўрсаткичларига тукдорлик даражасининг таъсири

Кунжара кўрсаткичларининг номланиши	Ўлчов бирлиги	Пахта чигитидан олинган кунжара кўрсаткичлари:			
		I-II навлари, тукдорлик, %да:		III-IV навлари, тукдорлик %да:	
		7,0	10,5	7,0	13,0
Мойдорлик	%	12,1	13,2	13,5	15,4
Шелуха миқдори	%	15,4	16,1	18,9	20,3
Намлик	%	7,5	8,1	8,5	9,7
Ғоваклилик	см ³ /г	0,018	0,020	0,025	0,031

5-жадвалда пахта чигитининг тукдорлиги олинган кунжара таркибидаги мой, шелуха миқдори, намлик ва ғовакликка сезиларли таъсир кўрсатиши кўрсатилган. Айниқса, тукдорлик оддий I-II навларига қараганда III-IV навли пахта чигитларини қайта ишлаш жараёнида юқоридаги кўрсаткичларни сезиларли даражада ўзгаришига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида ўрта толали ва ингичка толали (узун толали) пахта чигити етиштирилиб, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари бири иккинчисидан катта фарқ қилади. I нав (1-синф) учун ингичка толали навларнинг тукдорлиги 2,0 дан 6,5% гача, II навлар учун - 3,0 дан 7,5% гача, III синф учун бу кўрсаткич 4,0% дан 8,5% гача ўзгариб туради, IV синф учун 4,5 дан 9,0% гача. Бундай кенг фарқланиш, олинадиган пресс кунжара кўрсаткичларига таъсир қилади (6-жадвал).

6-жадвал

Пресслаб олинган кунжара кўрсаткичларига ингичка толали пахта чигитининг тукдорлик даражасининг таъсири

Кунжара кўрсаткичларининг номланиши	Ўлчов бирлиги	Пахта чигитидан олинган кунжара кўрсаткичлари:			
		I-II навларида ингичка толали чигит миқдори, %:		III-IV навларида ингичка толали чигит миқдори, %:	
		2,0	7,5	4,0	9,0
Мойдорлиги	%	11,7	12,9	13,2	13,9
Шелуха миқдори	%	14,9	15,4	18,3	18,7
Намлик	%	6,9	7,4	7,7	8,1
Ғоваклилик	см ³ /г	0,019	0,022	0,022	0,024

6-жадвалдан кўриниб турибдики, III-IV навлари аралашмасида ингичка толали чигитлар миқдори кўпайиши билан, кунжара мойдорлиги (13,2% дан 13,9% гача) I-II навлари аралашмасига нисбатан (11,7% дан 12,9% гача) ўзгаради. Буни ўрта толали чигитнинг ингичка толали чигитга нисбатан мойдорлиги юқори эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шундай қилиб, паст навли пахта чигитидан пресс мойини олиш технологиясини такомиллаштиришда III-IV навлар аралашмасидан олинган пресс кунжараси кўрсаткичларини ҳисобга олиш зарурлигини тасдиқлайди.

Карбамид билан модификацияланган тупроқли адсорбентнинг олинган кунжара гранулаларининг кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш учун биз «Косон ёғ-экстракция» АЖ пресс цехида муайян тадқиқотлар ўтказдик. Натижалар 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Карбамид билан модификацияланган тупроқли адсорбентнинг оддий ва паст навли пахта чигитидан олинган кунжара гранулалари дисперслигига таъсири


Кунжара кўрсаткичлари номланиши	Пахта чигитидан олинган кунжара кўрсаткичлари:					
	I-Пнавлари, таркибида:			III-IVнавлари, таркибида:		
	Оддий фуза, 5%	КМТА қўшилган фуза, 5%	КМТА қўшилган фуза, 7,5%	Оддий фуза, 5%	КМТА қўшилган фуза, 5%	КМТА қўшилган фуза, 7,5%
1 мм элакдан ўтиши, %	6,1	8,3	9,6	10,2	12,5	13,9
Гранула ўлчами, мм	12,7	11,5	10,6	14,4	14,0	13,6
Намлик, %	6,9	6,5	6,1	7,9	7,2	6,8
Мойдорлик, %	17,6	17,2	16,8	21,5	21,1	20,7

7-жадвалдан кўриниб турибдики, карбамид билан модификацияланган тупроқли адсорбентдан фойдаланиш ҳар хил пахта чигитидан олинган кунжара гранулалари сифатини пасайтирмайди. Аксинча, бу кунжара гранулалари ва охирги чиқувчи шротда, ҳайвонларнинг озукаси учун зарур бўлган минерал элементлар, триацилглицеридлар, провитаминлар (каратиноидлар, токофероллар) А ва Е сақланиб қолинишига имкон беради.

Диссертациянинг олтинчи боби «**Паст навли пахта чигитидан энгил рафинацияланадиган пресс мойини олиш технологиясини такомиллаштириш**» деб номланиб, унда паст навли пахта чигитидан энгил рафинацияланадиган пресс мойини олиш технологиясини ишлаб чиқиш, каустик сода, натрий силикат ва микротўлқинли нурланиш ёрдамида мойларни икки босқичли ишқорий рафинациялаш технологияси, такомиллаштирилган энгил рафинацияланадиган мой олиш технологиясини тажриба-саноатга тадбиқ қилишда унинг техник, иқтисодий ва экологик самарадорлигини баҳолаш натижалари келтирилган.

12-расмда паст навли пахта чигитидан энгил рафинацияланадиган пресс мойини олишнинг такомиллаштирилган технологик схемаси кўрсатилган.

Ушбу технология қуйидагича ишлайди: 1-винтли конвейер ёрдамида омбордан узатилган чигит тозалангандан сўнг, улар 2-дискли чақиш машинасига боради, у ерда чигит чақилади ва чақилма ҳосил бўлади. Чақилма 2-дискли чақиш машинасидан 3 - қўш ромли элакга берилади, бу ерда қисман чақилма сепарацияланади ҳамда мағиз ва ярим чақилма ҳосил бўлади. Мағиз 4-винтли конвейер орқали 7-винтли конвейерга, чақилма эса 5-винтли конвейер орқали 6-биттер-сепараторга юборилади.



- 1, 4, 5, 7, 8, 10, 14, 16, 18, 20, 23, 25, 30, 36, 37-винтли конвейер; 2, 12-дискли чакш машинаси; 3, 13-кўш ромли элак;
 6, 15-биттер сепаратор; 9, 17, 19, 24, 35-нория; 11, 21, 26-электромагнит сепаратор; 22-янчиш дастгоҳи-ВС-5;
 27- намловчи-буғловчи шнек; 28- қовуриш қозони-Ж68; 29-пресс гранулятор Г-24; 31-фузатанк;
 32, 34-насос; 33-фильтр-пресс, 38-резервуар, 39,40-идиш.

12-расм. Паст навли пахта чигитидан энгил рафинацияланадиган пресс мойини ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологик схемаси.

Биттер сепараторда мағиз чақилган чигит ва шелухадан куракчалар ёрдамида уриб чиқарилади. Ярим чақилма 8-винтли конвейер, 9-нория орқали 10-винтли конвейерга йўналтирилади, у ерда ферромагнитли аралашмалар 11-электромагнит сепараторда ушлаб қолинади, кейин чақилмаган чигит иккинчи чақиш-сепаратлашга юборилади. 10-винтли конвейердан чақилма 12-дискли чақиш машинасига тушади, бу ерда чигитлар тугал чақилади ва чақилма ҳосил бўлади. Чақилма 12-дискли чақиш машинасидан, 13-қўш ромли элакка юборилади, бу ерда мағиз чақилмаси қисман сепарацияланади. Чақилма 14-винтли конвейерга, мағиз эса 4-винтли конвейер орқали 7-винтли конвейерга боради. 14-винтли конвейердан, чақилма 15-биттер сепараторга тушади, бу ерда тугал сепарациялаш бўлади ҳамда мағиз ва шелуха ҳосил бўлади. Мағиз 7-винтли конвейерга, шелуха эса 16-винтли конвейерга юборилади. 16-винтли конвейердан шелуха 17-нория ва 18-винтли конвейер ёрдамида шелуха майдонга йўналтирилади.

Мағиз 7-винтли конвейер ва 19-нория ёрдамида 20-винтли конвейерга келади, бу ерда ферромагнит аралашмалар 21-электромагнит сепараторда ушлаб қолинади ва мағиз 22-вальцовка(BC-5)га йўналтирилади. 22-валцовкада мағиз янчилади. Янчилган мағиз янчилма деб аталади.

22-вальцовкадаги янчилма 23-винтли конвейер, 24-нория ва 25-винтли конвейер ёрдамида форпресс цехига юборилади. 25-винтли конвейер олдида нориядан чиқишда ферромагнит аралашмаларни ушлайдиган 26-электромагнит мавжуд.

18-винтли конвейердаги янчилмага маҳсулот массасининг 15-17% миқдоридида шелуха кўшилади. Янчилган материал - янчилма – 25-винтли конвейер билан 27-намловчи-буғловчи икки винтли шнеккага юборилади, у ердан ўзини-ўзи буғлатовчи қатламларда намлаб-иссиқлик билан ишлов бериш учун олти қасқонли 28-қовуриш қозонига йўналтирилади. Ж-68 маркали қовуриш қозони иккита Г-24 пресслари билан ишлайди.

Г-24 пресс агрегатларидан олинган мойни бирламчи тозалаш учун 30-винтли конвейер орқали 31-фузатанкга юборилади. Паст навли пахта чигитидан олинган хом мойларни дастлабки оқартириш учун 40-сиғимдан 30-винтли конвейер орқали, мой массасига нисбатан 2-6% миқдоридида карбамид билан модификацияланган тупроқли адсорбент (КМТА) етказиб берилади. 31-фузатанкдан мой 32-насос орқали 33-фильтр прессига юборилади. Фильтрланган мойни 34-насос орқали кейинчалик рафинациялаш учун узатилади.

КМТА суспензияси қуйидагича тайёрланади. 38-резервуардаги КМТА 40-идишга тўкилади, бу ерда параллел равишда 39-идишдан мой келиб тушади. 40-идишга адсорбентнинг каттиқ зарраларининг чўкишига йўл қўймаслик учун КМТА суспензиясини доимий равишда аралаштириб турадиган аралаштиргич ўрнатилган.

Фузатанкдан олинган чўккан фуза 35-нория орқали, 36 ва 25-винтли конвейерлари орқали қовуриш қозонига қайта ишлаш учун юборилади, бу ердан янчилма билан бирга 27-намловчи буғловчи шнеккага юборилади.

37-конвейер орқали форпресс кунжара гранулалари экстракция цехига

юборилади. Кунжара гранулаларини совутиш табиий усулда эстакададаги транспорт элементларида содир бўлади.

8-жадвал

Паст навли пахта чигитдан енгил рафинацияланадиган форпресс мойини олиш технологик режимлари меъёрлари

Жараёнлар ва технологик кўрсаткичларнинг номланиши	Қиймати
I. Пахта чигитини чақиш ва сепарациялаш - бутун чигит миқдори,% - қобикдаги бегона аралашмаларнинг масса улуши,%	0,8 дан кўп эмас 0,2 дан кўп эмас
